Ушбу сонда:

2 ЯРИМ ЙИЛЛИК БАҲС
унда ниҳоят адолат қарор топди

3 БАХТЛИ КУНЛАРИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

4 АССАЛОМ, МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ!
Бугун футбол бўйича Ўзбекистон Х миллий чемпионати бошланади



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 10 март, шанба №37 (1051)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табрикларимни йўллаш ҳамда Сизнинг биродар халқингизга катта бахт ва равнақ тилашдан ғоят мамнунман.

Сапармурод НИЁЗОВ,
Туркманистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини муборак Қурбон ҳайити байрами билан табриклашга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва ютуқлар, ўзбек халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

Асқар АКАЕВ, Қирғизистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан Сизга самимий табрикларимиз ва эзгу тилакларимизни йўллаб, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, оқилона раҳбарлигингиз остида қардош халқингизга доимий тараққиёт ва фаровонлик тилашдан беҳад мамнунмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама муносабатларни халқларимиз манфаатларига мос тарзда ривожлантиришга қатъий ишонч билан қарашимизни таъкидлаймиз.

Энг яхши тилакларимиз ва эҳтиромларимизни қабул қилишингизни сўраймиз.

Муҳаммад ОЛТИНЧИ,
Марокаш Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Муборак Ийд ал-Адҳо кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллаш менга чексиз сурур бахш этади.

Ушбу қувончли дамларда Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон халқи ва мусулмон умматига хайр-баракот ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Эҳтиром ила,

Биродарингиз

Абдуллоҳ бин Абдулазиз ас-САУД,
Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, Миллий гвардия бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қурбон ҳайити муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табрикларимни йўллаш ҳамда Сизнинг биродар халқингизга катта бахт ва равнақ тилашдан ғоят мамнунман.

Сапармурод НИЁЗОВ,
Туркманистон Президенти

ЎЛКАМ ЧИРОЙИ

Репортаж

Автобус манзил томон одимлайди. Кўз ўнгимизда жаннатмакон боғлар, кун сайин чирой очаётган қишлоқлар бир-бир намоён бўлади. Бекобод тумани маркази Зафарга етганимизда эса бир-биридан кўркам замонавий бинолар эътиборимизни тортди. Таъкидлашларича, тўрт қаватли ғиштин бино қисқа вақт ичида қад ростлабди. У Далварзин маиший хизмат коллежи экан. Демак, ёшларимиз яна бир совғага эга бўлишади. Бўлажак илм масканида барча шароитлар муҳайё этилади. Замонавий жиҳозлар, компьютерлар келтирилади. Илм масканида назарий билимларни амалиёт билан боғлаш учун имкониятларга эга бўлинади.

Сабо муаттар бўй таратмоқда. Қурувчиларнинг қўли қўлига тегмайди. «Бинокор-20» масъулияти чекланган қурилиш ташкилоти бунёдкорлари ишни сифатли бажаришда барчага намуна бўлиб келишаётган экан. 180 га яқин киши ишлаётган иноқ жамоада ишлар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда олиб борилмоқда.

— Бахтли фарзандларимизга ана шундай ажойиб коллежни қураётганимиздан ўзимиз ҳам чексиз хурсандмиз, - фикрини ифодалайди қурилиш ташкилоти раҳбари Исроилжон Ибобеков. - Ишончимиз комил, илм маскани ҳатто хорижликларга ҳам манзур бўлади. Ҳозирча, 140 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 900 талабага мўлжалланган ўқув бинои, 300 кишилик ётоқхона услубининг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Қурилиш майдонида ишчиларнинг унумли ишлаб, яхши дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Улар махсус кийимбош ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган. Тушлик овқат учун ҳар ишчига 250 сўмдан маблағ ажратилган. Бунёдкорларнинг ўртача ойлик маоши 16 минг сўмни ташкил этмоқда.

Соғлом муҳит, иқтисодий манфаатдорлик таъминланаётганлиги ишловчилар ғайрат-шижоатини оширмоқда. Улар бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш, сифатни яхшилашга қаратилган таклифларни илгари суришмоқда. Шу боис бўлса керак, мазкур қурилиш ташкилотига буюртмалар кун сайин кўпаймоқда. Шу кунга қадар қутлуғ қадам, қўли гул қурувчилар тез ёрдам станцияси биносида 5 миллион 200 минг сўм, «Навбаҳор» жамоа хўжалигидаги 36-мактабда 2 миллион 400 минг сўмлик, шаҳар иссиқлик манбаи биносида эса 5 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини қойилмақом қилиб бажардилар.

Тежамкорликка эътибор ортиб бораётганлиги соф фойдани кўпайтирмоқда. Тадбиркорлар ихтисослаштирилган заводлардан сотиб олинаётган маҳсулотларни ўзларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Эндиликда бетон, арматура, турли қоришмалар шу ерда тайёрланади.

Демак, янги иш ўринлари яратилади. Эришилаётган ютуқларда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Барчалари баҳамжиҳатликда Наврўз байрамига муносиб совға ҳозирлашмоқда. Қурувчилар ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирларида ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

— Қурилиш кўлами кенгайиб бораяпти, - дейди Исроилжон ака биз билан суҳбатда. - Йиллик даромадни насиб қилса, 400 миллион сўмга етказамиз. Аҳоли талаби асосида мармар цехини очаяпмиз. Бу яна йигирма нафар киши муқим иш билан таъминланади демакдир.

Иноқ жамоа аъзолари саховат ишларида ҳам намуна. Улар «Деҳқонобод» ширкат хўжалигидаги 29-мактабни оталиққа олиб, таъмирлаш ишларини бажариб бердилар. Шунингдек, туман марказини кўкаламзорлаштириш, теннис майдончаси бунёд этиш ишига муносиб ҳисса қўшишди. Нуронийларнинг таъкидлашларича, Мавлонов номли хўжаликда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Саноат Қўшмонова «Бинокор-20» қурувчиларини дуо қилгани қилган. Сабаби, қиш фаслида онахон яшаётган уй ёнғин туфайли шикастланганида, қурувчилар бир ҳафта ичида уни қайта таъмирлаб беришди. Юрт ишқи билан яшаётган, одамларга амалий фаолият орқали катта наф келтираётган бундай кишилар ҳамиша бор бўлсин!

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЧЎЛДА БОҒ

Пайариқ тумани марказида қад ростлаган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси яқинлашиб келаётган қутлуғ Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

300 ўринли мазкур коллеж қурилишига 70 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди. Уни тендерда ғолиб чиққан вилоят ҳокимлигининг якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини мувофиқлаштириш бошқармаси қурувчилари бунёд этди. Ушбу касб-ҳунар коллежи талабалари қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, агрономия, ветеринария ва молия йўналишлари бўйича мутахассис бўлиб чиқади. Коллежда талабаларнинг билим олишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Суратларда: қурувчилар Рустам Сатторов, Исмат Дўстматов ва Холмирза Абдуллаев; коллеж талабалари кўчат экишмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Наврўз байрами арафасида ишга тушадиган Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши бошланган йилиёқ бу ерда ўрмон хўжалиги ташкил этилиб, боғ барпо этиш учун 10 минг гектарлик майдон ажратилган эди. Шу кунларда бу ерда кенг кўламда кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Дарахтлар парваришига ва янги ниҳоллар ўтқазишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар куни 2-3 гектар ерга кўчат экиляпти. 2 минг 400 гектар майдонда эса саксовулзор барпо этилмоқда. Қақраган чўлда боғ яратиш осон эмас. Шунинг учун ҳам тажрибали боғбонлар маслаҳатига амал қилиниб, чўл шароитига чидамли дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда.



«ДАМАС»ЛАР ХИЗМАТГА ШАЙ

Қўқондаги 10-автобус саройи меҳнат жамоаси Наврўз арафасида шаҳарликлар учун яна бир қулайлик яратди. Шаҳардаги энг серқатнов 8-йўналиш бўйлаб замонавий «Дамас»лар қатнови йўлга қўйилди.

Автобус саройи маъмурияти «Асакабанк» вилоят бўлимидан олган узоқ муддатли қарз ҳисобига 10 та «Дамас» автомобили сотиб олди. Айни кунда «Дамас»лар кунига уч минг нафар йўловчини ўз манзилига элтиб қўймоқда.

- Бугун йўловчининг диди ва талабини ҳисобга олмасдан ишлаш мумкин эмас, - дейди автобус саройи раҳбари Баҳромжон Мамажонов. - Замонавий автомобиллар бу масалада жуда қўл келади. Қолаверса, корхонамизнинг иқтисодий салоҳияти ҳам ошади. Шу пайтгача 8-йўналишда қатнаган эски «Паз» автобуслари кунига 600 литр бензин сарфларди. «Дамас»лар эса бор-йўғи 200 литр бензин ёқади. Бу транспорт хизмати кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширишда асосий омил бўлади.

СУВ МАСАЛАСИ ҲАЛ БЎЛДИ

Наврўз байрами арафасида Вобкент туманидаги Рўзи Ҳусенов номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Халач», «Исохон», «Имом Қозихон» каби олти қишлоққа тоза ичимлик суви келтирилди. Бунинг учун хўжалик ҳудудигача 15 километрлик сув қувури тортилди. Беш ярим минг аҳоли истиқомат қилаётган мазкур қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш харажатларини хўжалик ўз ҳисобидан кўтарди.



Бозор талаби қатъий

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

«Тошкент қурилиш материаллари комбинати» акционерлик жамиятида ўрнатилган Италиянинг «Сити» фирмасининг ихтисослашган линияси бинонинг ички ва ташқи безагига ишлатиладиган, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган мармар ва сопол плиталар ишлаб чиқариш имконини беради. Импорт ўрнини босадиган ушбу маҳсулот ҳажми доимий равишда кўпайтириб борилмоқда.

Комбинатда иш узлуксиз ташкил этилган бўлиб, суткасига 2000 квадрат метр турли рангдаги ялтироқ ва ҳира сиртга эга плиталар ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили истеъмолчиларга ярим миллион метрдан ошиқ сифатли қурилиш материали етказиб берилди. Маҳсулот Ғарб технологияси асосида маҳаллий хомашёдан тайёрланмоқда. Масалан, каолин - Ангрендан, пигмент - Лангар конидан, махсус қум /профилит/ - Бекобод норуда материаллар конидан келтирилади.

Бу йил маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми янада оширилади. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Истеъмолчилар маҳсулот сифатидан мамнун. Масалан, «Ай-сел» қурилиш-пудратчилик ва савдо компанияси билан 10 минг квадрат метр плита етказиб беришга доир шартнома имзоланди.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

ва мажбурий ишсиз юрган ўн ой учун нафақа ундириб берилди

Марҳамат тумани У.Қорабоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи фуқаро Зайнабхон Худойберганова таҳририятимизга йўллаган хатида туман марказий шифохонаси маъмурияти уни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатганлиги, бунинг оқибатида эса ўн ойдан буён бекор юргани хусусида маълум қилган ва мазкур муаммони ҳал этишда тегишли ёрдам кўрсатилишини сўраган эди.

Таҳририят ўз навбатида газетхон шикоятини текшириш ва чора кўриш учун мутасадди ташкилотга юборганди. Қуйида ана шу хат юзасидан олинган жавоб билан танишасиз:

— Газетхон шикоят хати туман марказий шифохонасида унинг иштирокида ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, шифохона маъмурияти ўтган йилнинг 1 апрелида Бош шифокорнинг 29-буйруғи асосида З.Худойберганова билан тузган меҳнат шартномасини бекор қилган. Бу — Меҳнат Кодекси талабларига зиддир. Ана шундан келиб чиққан ҳолда вилоят касаба уюшма тармоқ қўмитаси мазкур буйруқни бекор қилиш, жабрланувчини ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун нафақа тўланиши шартлиги хусусида хат жўнатди.

Марказий шифохонадан маълум қилишларича, З.Худойберганова янги буйруқ билан жорий йилнинг 1 февралидан ўз ишига тиқланган ва мажбурий бекор юрган вақти учун нафақа тўлана бошлаган.

Х.ЮНУСАЛИЕВ,
Андижон вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

Меҳнат муҳофазаси: муаммо кўндаланг қўйилади

ҚОИДАЛАРДАН ХАБАРДОР ЭМАС...

Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик қоидалари унутилса фожеага йўл очилади. Таассуфки, Сирдарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда «Сирдарёпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмасида бу ҳолга барҳам берилмаяпти.

Оқибати ўлим билан тугаган 4 та бахтсиз ҳодисанинг 3 таси қишлоқ ва сув хўжалиги тизими корхоналарида рўй берди. Бахтсиз ҳодисалар таҳлилидан маълум бўлдики, техника хавфсизлиги қоидаларидан ишловчилар яхши хабардор эмас. Энг ачинарлиси мутасадди раҳбарлар бу борада етарлича жон койитмаяптилар. Тармоқдаги иқтисодий ночорлик рўкач қилиниб, оддий тушунтириш, ўқитиш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бир мисол. Вилоятда носозлиги, фойдаланишда хавф туғдириши, хавфсизлик қоидаларига жавоб бермаганлиги боис фаолияти тўхтатилган 13 та станок ва механизмларнинг 10 таси тармоқ корхоналарига тегишлидир. Ҳатто бутун бошли бир цех ҳам техника хавфсизлиги талабларига жавоб бермаганлиги боис фаолияти чеклаб қўйилган.

— Меҳнат муҳофазаси қоидаларини унутиб қўйган 7 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 2 нафар киши эса эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди, — дейди вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси меҳнат техника нозири Илёс Боқиев. — Ўтган йили бошқармага қарашли корхоналарда 31 та текшириш ўтказилиб 404 та камчилик ва нуқсонлар аниқланди. Йўл қўйилган нуқсонларга барҳам бериш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Кейинги йилларда «Сирдарёпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси тизимида ҳам хавфсизлик қоидаларидан чекиниш ҳоллари тез-тез рўй бериб турибди. Айниқса, Сайхунобод пахта тозалаш корхонасида меҳнат муҳофазаси ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги афсусланарлидир. Ўтган йили қарийб бир ойда икки марта кўнгилсиз воқеанинг юз беришини қандай баҳолаш мумкин? Корхона ишчиси, 1964 йилда туғилган Муҳаббат Абдураҳмонова дастгоҳда тиқилиш содир бўлганлигини пайқади. У дастгоҳни меъёрий ҳолатга келтиришга киришади. Шу сонияда унинг чап қўли енгини тасма ўраб кетиб, оғир тан жароҳати олади. Муҳаббат билан рўй берган фожеали воқеадан корхона раҳбарияти тегишли хулоса чиқариши лозим эди. Афсуски, бу ҳолат ҳеч кимни ҳушёрликка чақирмади. Оқибатда орадан кўп вақт ўтмасдан яна бир кўнгилсиз воқеа юз берди. 1960 йилда туғилган ишчи Эргашбой Қодиров қуритиш барабанига тушиб кетган оёқ кийимини топиш ниятида қуритилган пахта ўтадиган лоток томонидан қуритиш қурилмасига киради. У бир пой туфлисини қидираётганида тозаловчи Р.Раҳимова бехосдан қуритиш барабанини ишга тушириб юборади.

Ҳар икки ҳолат ўрганилганда бу ердаги дастгоҳларнинг техника хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги, боз устига меҳнат шароитини яхшилаш юзасидан назорат ўрнатилмаганлиги, ишчиларнинг тегишли тайёргарликдан ўтмаганлиги маълум бўлди.

Вилоятдаги икки нуфузли ташкилотда бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Агар тез орада бу йўналиш бўйича жиддий чора-тадбирлар кўрилмаса, хунук оқибатлар келиб чиқмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Бозор иқтисодиёти даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш энг муҳим вазифалардан биридир. Бинобарин, бу борада касаба уюшмалари ва маҳаллий бошқарув органлари бир ёқадан бош чиқариб, қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Мухбиримизнинг Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси Каримжон РАИМЖОНОВ билан суҳбати шу мавзуга бағишланди.

ҲУДУДИЙ КЕЛИШУВЛАР

қандай наф бермоқда?

— Маълумки, тараққий топган давлатлар ҳам ҳозирги кунда биз гувоҳ бўлаётган босқич синовидан ўтганлар. Шундай шароитда вилоят касаба уюшмалари қандай йўл тутмоқда?

— Дарҳақиқат, ўтиш босқичини тараққиёт сари олиб ўтувчи кўприкка қиёслаш мумкин. Зеро, шундай имтиҳондан муваффақиятли ўтган Германия, Япония сингари мамлакатлар энг тараққий топган, аҳолиси тўкин-сочин яшаётган давлатлар даражасига етишдилар. Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқарув органларининг, жумладан, касаба уюшма ташкилотларининг энг шарафли вазифасидир. Шу ўринда айтиш лозимки, бу борада вилоят ҳокимлиги ва маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликда тузилган, аҳоли барча қатлами турмуш шароити эҳтиёжлари, шарт-шароити инобатга олинган ҳудудий келишувлар жуда қўл келмоқда.

— Уларда қайси масалаларга асосий эътибор қаратилган?

— Ҳамма вақт, ҳамма жойда меҳнаткашнинг суянчиғи, маслакдоши бўлиб келган касаба уюшмалари ҳуқуқ ва имкониятларидан, мавқеидан фойдаланиб, биринчи навбатда ишловчиларни, кўп болали, кам даромадли оилалар, қаровчисиз кексалар, ногиронларни ижтимоий муҳофазалаш чораларини кўрмоқда. Фикримизнинг исботи учун бир неча мисол келтирай. Чунончи, ўтган йилда вилоятдаги 174606 нафар кўп болали оилага нафақа берилди. 2 ёшгача боласи бўлган оналарга 2 миллиард 54 минг сўм пул тўланди. Кам таъминланган оилаларга эса 218042 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Қаровчисиз якка-ёлғиз қариялар ва ногиронларга 25307 минг сўм, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва унга тенглаштирилганларга 19249 минг сўм кўмак берилди. Шунингдек, таълим ҳамда тиббиёт ходимларига коммунал тўловлари учун белгиланган имтиёзга кўра 168600 минг сўмлик маблағ молиялаштирилди.

— Одамлар оғирини енгиллатиш — савобли иш. Лекин барибир, аҳолини ижтимоий муҳофазалашда, оила тебратиш, рўзғор юритишнинг асосий манбаи ҳисобланган доимий меҳнат ўрнига эга бўлишга эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада касаба уюшмалари фаолияти ёки биз сўз юритаётган ҳудудий келишувлар бераётган натижаларга тўхталсангиз?

— Ушбу йўналишда ҳудудий келишувимизда ўз аксини топган «Бандлик дастури» асосий қўлланма бўлмоқда. Тегишли идоралар томонидан ишлаб чиқилган ва вилоят ҳокимлиги тасдиқлаган мазкур ҳуқуқий ҳужжатга биноан 2000 йилда 41790 та янги иш ўринлари яратилди. Улардан 526 таси давлат секторида бюджет маблағлари ҳисобидан барпо этилган бўлса, 40719 таси нодавлат сектор, 545 таси эса иш билан таъминлаш давлат жамғармаси ҳисобига тўғри келди. Ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун 7140 та махсус квоталанган иш ўринлари ажратилди. 3981 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди. 405 нафар фуқаро эса муддатидан олдин пенсияга чиқарилди. Ишлаб чиқариш корхоналари йўналишини ўзгартириш ҳисобидан эса 874 та янги иш ўринлари яратилди. Баъзи жойларда иш ўринлари бўла туриб зарур ходим топилмайди. Бундан демак, мазкур соҳада тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилмаган, деган хулоса чиқариш мумкин.

Жойларда меҳнат ярмаркалари ўтказиш одат тусига кириб қолди. Масалан, ўтган йили шаҳар ва туманларда 18 марта ана шундай тадбирлар ташкил этилиб, 1018 киши рўйхатга олинди ва улардан 414 нафари ишга жойланди. 185 нафари эса жамоат ишларига жалб этилди, 84 йигит-қизга янги соҳалар бўйича қайта ўқишга йўлланма берилди. Шунингдек, фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйганлиги, ташкил этилаётган кичик корхоналар ва бошқа саноат шоҳобчаларида янги иш ўринларининг вужудга келиши ишсиз қолган кишиларнинг меҳнат ўринларига эга бўлишини таъминламоқда.

— Энди қишлоқ инфратузилмаси бўйича қилинган ишларга ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Юртбошимиз томонидан қўйилган бош вазифалардан бири — қишлоқ аҳолисини табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Ўтган бир йил давомидагина 552,7 км.ли газ, 153,1 км.ли ичимлик суви тармоқлари қурилди. 5 та янги ва 14 та мослаштирилган қишлоқ шифокорлик пунктлари бунёд этилди. Кўплаб академик лицей, ўқувчилар ётоқхоналари қурилиб ишга туширилди. Ишловчилар иш ҳақларидан қарздорлик ой сайин камайиб бормоқда. Стипендия, пенсия ва нафақалардан қарзлар эса бутунлай тугатилди. Иш ҳақи республикада белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлишига йўл қўйилмади. Лекин аҳоли ижтимоий ҳимояси масаласида ҳамма иш жойида, деб айтишга ҳали эрта. Чунончи, биргина троллейбус масаласини олайлик. Мутасаддилар томонидан ўз вақтида дотация берилмаганлигидан троллейбус қатновида узилишларга йўл қўйилмоқда. Қишлоқ хўжалик ва айрим саноат корхоналарида, транспорт ташкилотларида иш ҳақи ўрнига маҳсулот беришда унинг миқдорини 40 фоиздан ошмаслигига эришилгани йўқ. Қисқа қилиб айтганда, ҳудудий келишувлар ишловчилар, талаба ва ўқувчилар, барча аҳоли қатламининг турмуш шароитини яхшилашда, ҳеч кимнинг эътибордан четда қолмаслигига эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Суҳбатдош: О.ЖУМАНАЗАРОВ.
«Ишонч» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

ШИФОКОР - МАҲАЛЛА - ОТА-ОНА

Ҳозир тиббиётимизда ногирон болаларнинг туғилишини, аёллар камқонлигини бартараф этиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Қизлар ўртасида гиёҳвандлик иллатининг пайдо бўла бошлагани ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бу муаммоларни «шифокор — маҳалла — ота-она» ҳамкорлигисиз ҳал этиш мушкул.

Андижон вилояти тиббиёт муассасалари жамоалари буни чуқур ҳис этган ҳолда ана шу ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш ташаббускори бўлиб чиқдилар. Улар ота-оналар ва маҳалла фаолларини идорага чақиртирмай, ўзлари уларнинг олдига бориб, муаммолар ечимини топишга уринишмоқда.

— Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, — дейди 2-болалар клиник шифохонасининг бош шифокори Хуршидахон Халилова, — камқонликнинг оқибатлари, ногирон болаларнинг туғилиши, аёллар ўртасида гиёҳвандликнинг пайдо бўлаётгани ҳақида узундан-узоқ гапиришдан кўра, уни амалда ифодалаб бериш одамга кучлироқ таъсир этади. Шунинг учун ҳам биз аҳоли билан «Оналар ва болалар йили»га бағишлаб ўтказаётган учрашувларимизда юқорида тилга олинган уч муаммо ҳақида тушунча бериб, сўнг ўша мавзуларда саҳна кўринишларини намойиш этяпмиз.

Дарҳақиқат, 2-болалар поликлиникаси (бошлиғи Баҳодиржон Абдуқодиров) ходимлари Обод маҳалласи гузарида уюштирган учрашувда бевосита шифокорлардан ва тиббиёт билим юрти талабаларидан ташкил топган бадиий ҳаваскорлар гуруҳи ҳам кулгили, ҳам фожиали воқеаларни интермедия шаклида кўрсатдилар.

Гузарга келган юзлаб ота-оналар, қизлар, келин-куёвлар учрашувдан катта қониқиш ҳосил қилганликларини билдирдилар.

М.АБДУКАРИМОВ.

Ташаббус

Касаба уюшмалари ёрдамга келди

ЯРИМ ЙИЛЛИК БАҲС

унда ниҳоят адолат қарор топди

Одамзотнинг ажиб табиати бор. Кўпчилик ўзини аксарият ҳолларда ҳақман деб билади. Айниқса, айримлар амал курсисига ўтиргач «ўзи хон, қўланкаси майдон» бўлиб қолади. Натижада кимгадир адолатсизлик қилинади. Ҳамма нарсага чидаш мумкин, лекин адолатсизликка тоқат қилиб бўлмайди.

Самарқанд вилоят Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасига ўтган йил мобайнида тушган шикоят-аризалар меҳнат муносабатларида раҳбарлар ғайриқонуний йўл тутгани ҳақидадир. Ҳалол кишиларни қўллаб-қувватлаб, хусусан, Пахтачи туманидаги 41-мактаб директори О.Бердиева, унинг ўринбосари С.Ёрқулова, Булунғур туман халқ таълими бўлими ҳисобчиси Г.Мухторова, Нарпай туманидаги 67-мактаб ўқитувчиси Д.Отақуловаларга ҳуқуқий ёрдам берилди. Бундан ташқари, тармоқ ходимларининг мурожаатлари асосида иш ҳақи ва нафақаларни ундириб бериш, қўшимча дарс соатлари билан таъминлаш, имтиёзлардан фойдаланиш каби кўплаб масалалар ижобий ҳал қилинди. Қайд қилинган 500 га яқин мурожаатлар орасида бевосита касаба уюшмалари фаолиятига, меҳнат муҳофазаси, иш шароитига, соғломлаштиришга дахлдорлари ҳам анчагина.

Аризаларнинг асосий мазмуни раҳбарлар томонидан қонун талаблари тўлиқ бажарилмаслиги хусусида. Бир мисол. Пахтачи туманидаги 41-мактаб директори Орзигул Бердиева ишдан бўшатилди. Унга жамоа аъзоларининг ўзаро ҳамжиҳат эмаслиги, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда, ҳужжатларни расмийлаштиришда камчиликлар мавжудлиги каби айблар қўйилади. У билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга эса текширувчи гуруҳнинг далолатномаси ва мактаб касаба уюшма ташкилоти умумий йиғилиши баённомаси асос қилиб олинган. Кейинчалик касаба уюшмаларининг аралашуви билан О.Бердиевани ишга тиклаш тавсия этилганда ҳам вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти юқоридаги важларни рўкач қилиб, ходимнинг қонуний ҳуқуқини тиклашни рад этди. Ҳолбуки, О.Бердиевани ишдан бўшатишда ЎзР Меҳнат Кодексининг бир неча моддалари талаби қўпол равишда бузилган эди. Хуллас, ярим йилдан зиёдроқ давом этган баҳслардан сўнг адолат қарор топди.

И.ҲОЖИЕВ,
Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Самарқанд вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи нозири.

«АНТЕКС» ҚАНОТ ЁЗМОҚДА

Андижондаги иқтисодий жиҳатдан ночор «Чинор» тикувчилик корхонасининг вақтинча ишламаётган 200 нафар чеварлари яна ишга таклиф этилди. Бир пайтлар нафақат вилоятда, балки республикамизда донғи кетган «Володарский» номли бу тикувчилик фабрикаси кейинги йилларда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмади. Шу боис, корхона мулки ким ошди савдосига қўйилган эди. «Антекс» ҳиссадорлик жамияти Шаҳрихон туманидаги Сегазакум қишлоғида қад ростлади. Франция, Италия, Германия каби давлатлардан келтирилган энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди ва жаҳон бозорида харидоргир матолар ишлаб чиқарилиб, экспорт қилишга киришилди.

«Антекс» ҳиссадорлик жамияти раиси Неъматилло Азизовнинг таъкидлашича, эндиликда корхонада тўқилаётган материаллардан тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқариш вақти келди. Шу боис ҳам «Антекс» вилоят марказидаги «Чинор» тикувчилик фабрикасини ким ошди савдосида сотиб олди.

Негаки, хорижга калава ип ёки газламалар-матолар сотишдан кўра тайёр кийим-кечаклар сотиш кўпроқ фойда келтиради. Шунинг учун ҳам «Чинор» ишлаб чиқариш цехларини тубдан қайта жиҳозлаш ва хорижбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

ҲОМИЙЛАР МАДАДИ

Андижон тумани Бўтақора қишлоғидаги Меҳрибонлик уйида янги тиббиёт бўлими ишга тушди. Бўлим мутахассислари Меҳрибонлик уйига келган ногирон болаларга дастлабки ёрдам кўрсатиш ва уларни бу ерга мослаштириш билан шуғулланади. Шунингдек, бу ерда 200 ўринлик янги ошхона очилди ва иккита ётоқхона капитал таъмирланди.

Бу хайрли ишлар тумандаги ширкат хўжаликлари ва йирик фирмалар ҳомийлигида амалга оширилди.



Пойтахтдаги «Шарқ гули» акционерлик жамияти энг нуфузли корхоналардан бири. Бу ерда кўзни қувонтирадиган палак, гул кўрпа, чойшаб, сўзана, келин-куёвлар уйи безаклари каби ўзбек миллий ҳунармандчилиги намуналари ишлаб чиқарилмоқда.

Жамиятда асосан хотин-қизлар меҳнат қилади. Улар учун барча шароит мавжуд. Ушбу жамоанинг якдиллик билан ишлаши яхши самара бермоқда. Натижада, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ортмоқда. Яқинда турли зардўзлик маҳсулотининг ишлаб чиқарилиши ҳам харидорлар эҳтиёжи боисдир. Айни чоғда моҳир чеварлар «Наврўз» байрамига совға сифатида ажойиб зар чопонлар, елпиғич ва турли ғилофлар тайёрлашмоқда.

Суратларда: Корхона ҳаётидан лавҳалар.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.



ТОҒДА ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Шаҳрисабз туманидаги Оммағон қишлоғи шаҳардан анча олисда, тоғда жойлашган. Қишлоқ аҳолиси тиббий ёрдамга эҳтиёж сезса, узоқ масофага қатнашга мажбур бўлар эди. Шу боисдан ҳам яқинда қишлоқда фойдаланишга топширилган врачлик пункти Оммағон ва қўшни Шаматон, Қоракуш, Пахтакор қишлоқлари аҳолисига хизмат қила бошлади.

Замонавий меъморчилик услубида қурилган қўш қаватли, бир йўла юз кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бу шифо маскани энг сўнгги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Беморлар кундузи ётиб даволаниши учун ҳам шароит яратилган. «Соғломлаштириш маркази» ва «Фитобар» ишлаб турибди.

СОВРИНДОРЛАР - ХОТИН-ҚИЗЛАР

Урганчда бўлиб ўтган тадбиркорларнинг «Ташаббус-2001» кўрик-танлови шаҳар босқичида деярли барча совринли ўринлар хотин-қизларга насиб этди. Бунга сабаб танлов Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ўтказилганида эмас, албатта. Танловда намойиш этилган 100 дан ошиқ хусусий, кичик ва ўрта бизнес соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ярмидан кўпи бевосита хотин-қизлар томонидан ёки улар раҳбарлик қилаётган корхоналарда тайёрланган.

Хусусан, урганчлик чевар Шарофат Собирова тайёрлаган ранг-баранг кашталар, сувенир ва ўйинчоқлар танлов ҳайъати ва томошабинларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди. Тадбиркор Роза Эшчонованинг хусусий фирмасида ишлаб чиқарилаётган ошхона ва бошқа уй-рўзғор анжомларига маҳаллий бозорда талаб катта бўлиб, улар хорижда ишлаб чиқарилган жиҳозлар билан бемалол рақобатлашиши мумкин. Ш.Собирова «Халқ амалий ҳунармандчилиги бўйича энг яхши уста», Р.Эшчонова эса «Энг яхши тадбиркор» номинацияларини бўйича кўрик-танлов ғолиблари деб топилди.

Шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг берган ахборотига кўра, ҳозир Урганчда мингга яқин хотин-қиз хусусий, кичик ва ўрта бизнес соҳасида турли хил ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланмоқда. Уларнинг кўпчилиги ўзининг ишбилармонлиги ва ташаббускорлиги билан эркак тадбиркорлардан қолишмайди.

(ЎзА).

Қонунга суянмаган қадамида қоқилур

ФИРИБГАР

Мустақиллигимиз шарофати туфайли биз учун ўзга мамлакатларнинг эшиклари ҳам кенг очилди. Кўплаб фуқароларимиз ҳар йили чет давлатларда бўлиб, иш ўрганиб, таълим олиб келмоқдалар. Лекин ана шу имкониятлардан баъзи кимсалар ўзгаларни алдаб, шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётганликлари каби ҳолларга ҳам дуч келиб қолмоқдамиз. Яқинда Когон шаҳар суди томонидан кўриб чиқилган бир жиноий иш бунга яққол мисол бўла олади.

Когон шаҳар, Алишер Навоий кўчасидаги 8-уйда истиқомат қилувчи, олий маълумотли, уч нафар фарзанднинг онаси Хурсанд Шарипова бир жойда тиниб-тинчиб ишлашни ўзига эп кўрмади. Кунлардан бирида у ўз ҳамшаҳри Бахтиёр Зайнутдиновни учратиб қолди. Унинг кўпдан бери чет элга чиқиб ишлаб келиш нияти борлигидан хабардор бўлганлиги боис мақсаддан гап очди.

— Мен вилоят ҳокимияти меҳнат бўлими билан ҳамкорлик қилаяпман, — деди аёл Бахтиёрга, — мабодо четга чиқиш ниятингиз бўлса бир иложини топамиз. Бироқ сарф-ҳаражатнинг бир қисмини олдиндан тўлаш керак бўлади: кўп эмас, 105 минг сўм.

Бахтиёр узоқ ўйлаб ўтирмай рози бўлди. Бир-икки кундан сўнг вилоят ҳокимияти рўпарасида учрашадиган бўлдилар. Кунчиқар мамлакат ошуфтаси айтилган вақтда пулни олиб келди.

— Сиз учун шу бугундан бошлаб ишга киришаман, — ваъда берди аёл пулни сумкага жойлаштирар экан. — Шу ерда кутиб туринг. Ҳозироқ сизнинг фамилиянгизни Японияга кетаётганлар рўйхатига қўшиб чиқаман.

Аёл лақма «мижоз»ни хурсанд қилганича унинг ҳужжатларини олиб, гўё вилоят ҳокимлигининг меҳнат бўлимига кириб кетди.

— Ишингиз осонгина кўчди, — деди у қайтиб чиққач Бахтиёрга, — қолган пулни ҳам тайёрлайверинг.

Орадан бир-икки ой ўтгач, аниқроғи 1999 йилнинг ноябр ойида кунчиқар мамлакатнинг яна бир шайдоси — Хуршид Шерқулов фирибгар тузоғига илинди. У «Меҳнат бўлимининг вакили»га индамайгина 150 минг сўмни санаб берди.

Шарипова бундоқ қарасаки, иш яхши кетаяпти. Одамлар даста-даста пулларни ўз қўллари билан олиб келиб бераяптилар. Аёлнинг нафси ҳақалак отиб кетди. У ўз хизматининг олдиндан тўлаб қўйиладиган қисми (предоплата)ни ҳам ошира бошлади. Японияни кўнгли тусаб қолган навбатдаги «мижоз» Александр Токаревдан накд 220 минг сўм олди.

Кунлар ўтаверди. Лекин Шариповага ишонганлар мундоқ ўйлаб кўришса, Япониядан умуман дарак йўқ. Улар хавотир ола бошладилар, чув тушганларини охир-оқибат билиб қолдилар. Шундан сўнг Шарипованинг иши билан тергов органлари қизиқа бошлади. Суриштирувлар натижасида аёл кўтариб юрган, одамларни ишонишга мажбур қилган барча ҳужжатлар, шаҳодатномаю гувоҳномалар қалбаки эканлиги, Шарипова содда кишиларни лақиллатиш йўли билан уларнинг пулларини ўзлаштириб юборганлиги рад этиб бўлмас далиллар асосида фош этилди. Иш шаҳар судида кўрилиб, фирибгар аёл Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси аломатлари билан жавобгарликка тортилди ва беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Мазкур воқеанинг кишини ўйлантирадиган жиҳатлари кўп. Муҳими жиноятнинг келиб чиқишига айрим фуқароларнинг ўзлари сабабчи бўлиб қолганликларидир. Шариповага мўмай-мўмай пулларни ушлатиб қўйган шахслар бу аёл улар учун қонунни четлаган ҳолда ҳаракат қилаётганини билмай қолган эмаслар, албатта. «Мабодо ҳамма иш рисоладагидай бўлганида, нега энди Шарипова ўз фаолиятини ўзгалардан яшириб, пинҳона амалга ошираётибди?.» «Пулни олиб нега бирон-бир ҳужжат топширмаяпти?»... Кишиларда шу ва шунга ўхшаш саволлар пайдо бўлиши табиий эди-ку.

Жабрланганлар Шариповага кўр-кўрона ишониб, биронтаси ҳам унинг ортидан вилоят ҳокимлигининг меҳнат бўлимига кирмаганлиги, ўзларининг масалалари қай аҳволда эканлигини мутасадди ходимлардан суриштирмаганликлари ҳам кишини ўйлантирмай қўймайди.

Ишонамизки, бу воқеа баъзи бировлар учун тузуккина сабоқ бўлади.

Абдужаббор ЖУМАЕВ,
терговчи.
Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Тармоқ меҳнаткашларини шунингдек, бутун Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган энг қадрли, энг ардоқли байрамимиз Наврўзи олам билан муборакбод этади.



Ушбу муборак кунларда барчангизга аъло кайфият, мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, эзгу ишларингизда омад, муваффақият тилайди.



«ДАВРОН-САВДО» ФИРМАСИ

Соҳа ходимларини шоду-хуррамлик ила кутиб олинаётган «Наврўз» байрами билан самимий муборакбод этади.





Жондан азиз Ватанимиз — ҳур Ўзбекистонни гуллаб яшнатиш йўлидаги ишларингиз бароридан келсин!

АССАЛОМ, МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ!

Бугун футбол бўйича Ўзбекистон Х миллий чемпионати бошланади



Дунёда хунук аёл йўқ, аммо буни гўзалликни топа билган ва уни қадрлай олган кишиларгина англайди, дейишади. Ҳақ гап. Куни кеча кенг миқёсда нишонлаганимиз байрам муносабати билан бироз бўлса-да оролланган аёлларимизнинг баҳорий тароватга уйғунлашиб кетган ҳусну латофатидан қанчалар сархушланганимизни-да бугун тан олмай иложимиз йўқ. Аслида бу ошуфталигимиз уларнинг ўзларига вақт ажратиб, кўзгу рўпарасида узоқроқ ўтириб қолганлари боисигина эмас, балки биз одатдагидан кўра ўзгачароқ эътибор ила боққанлигимиз сабабидандир.


ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШГА НИМА ЕТСИН

Инсон табиатан шунақа - гўзалликка интилиб яшайди, гўзалликдан илҳом олади - бунинг учун ҳеч нимани аямайди у. Ўзи яратиб ўзи роҳатланади, ўзи кашф этиб ўзи ҳайратланади. Йўқса, футбол нима деган нарса, латифаларда айтилишича, ўн бир киши ағдан, ўн бир киши бағдан чиқиб, бир коптокни талашиб-тепишиб узун йўлакка кириб кетадиган оддий бир ўйин. Ана шу оддий ўйин, эсимизни танибмизки, ўзига мафтун этиб келади. Бу «ошиқлик» шунчаликки, гоҳо маҳбубаларимизда рашк оловини ловуллатади, қисқа кунларимиз ва маҳзун тунларимизни ўғирлаб, ўзига ипсиз боғлаб олади. Не бахтки, биз яна беҳаловат сониялар бўсағасида турибмиз, неча ойларки, орзиқиб кутганимиз дилбар ва дилкаш футбол ҳаяжон зўридан пича титрамоққа бошлаган қўлларимизда тутганимиз гулларни олиб, бағрига босмоқ ва димоғимизни чоғламоқ иштиёқида қаршимизга чиқиб келмоқда.

Албатта, тўй-тантаналарда муаммолар ҳақида сўзлашилмайди. Лекин тилаклар асносида бир зумга бўлса-да мозийга қайтишлик ва шу фурсатга қадар ечимини топмай келаётган масалаларнинг тезроқ ижобат бўлишлигини сидқидилдан айтишлик бор. Инчунун, футболимизда ҳам дилларимизни хижил қилиб келаётган шиғил-шиғил қусуру нуқсонлар мавжудлигидан асло кўз юмолмаймиз. Остонада - жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари. Таклиф этилган бош мураббий Владимир Сальков раҳбарлигида шу кунга қадар амалга оширилган ҳозирлик босқичи натижаларидан на мухлислар, на мутахассисларнинг кўнгли тўлмаганлиги дастлабки акс-садолардан маълум. Албатта, Озарбайжон ва Беларус терма жамоалари устидан қозонилган ғалабалар юракларда қандайдир илиқлик уйғотган эса-да, истиқболда бизни кутаётган синовларга тўла ишонч билан боқиш учун ҳали озлик қилади. Агар чемпионат мезбонлари сифатида Япония ва Жанубий Корея кўҳна қитъамиз учун ажратилган ўринларнинг тенг ярмига эгалик қилиб қўйганларини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистон терма командасига мақсадга эришиш осон кечмаслиги янада ойдинлашади. Саудия Арабистони, Эрон, Хитой, Ироқ, Баҳрайн, БАА... Табиийки, улар ҳам томошабин бўлиб туришмайди.

Мамлакат ички чемпионатини ҳар қачонгидандан қизиқиш билан кутганлигимиз ҳам аслида шундан. Тарихда шахснинг ўрни, деган тушунча бўлгани каби жамоа ҳам ўйинчилардан ташкил топади ва амалиётдан ҳам маълумки, ҳар бир жамоанинг олға бошловчи ўз етакчилари, таъбир жоиз бўлса, яхлит бир вужудга айланган ва биз машина деб атайдиган механизмга ўт бериб турувчи аккумуляторлари бўлади. Бизда бугун шундай ўйинчилар борми? Неча йилларки, бу масъулиятли вазифани Миржалол Қосимов бажариб келди. Ҳар нарсанинг имконият чегараси бор, инсон ҳам шундай - чарчайди ва вақтсоати келиб, ўз ўрнини бошқаларга бўшатиб беради. Хўш, Миржалолнинг ўрнини ким эгаллайди?!

Чамаси, терма жамоамизда бу жумбоқ ҳамон ўз ечимини топмаган кўринади, зеро қанчалик оғир бўлмасин яна ва яна М.Қосимовга, унинг тажрибасига мурожаат қилишга тўғри келади. Бошқа чизиқларда ҳам аҳвол яхши эмас. Гарчанд бугунги кунда Киевнинг «Динамо» ва Москванинг «Спартак» клублари шарафини ҳимоя қилаётган М.Шацких ва Ж.Ирисметовлар сермаҳсул ўйин кўрсатишга қодирдек туюлсалар-да, лекин бу улар ўз вақтида тўп билан таъминланиб турганлари тақдирдагина ўз самарасини бериши мумкинлигини яхши биламиз. Демакки, бу юмушга қодир «керакли» футболчиларни ўз ички чемпионатимиздан излашимиз лозим.



Биз бежизга мақоламизни гўзаллик таърифидан бошламадик. Агарки, «дунёни гўзаллик қутқаради», деган ҳикматга амал қиладиган бўлсак, анчайин бизни ташвишга солиб турган муаммолар ҳам футболчиларимизнинг майдонда нечоғлик чиройли ва мантиқли ҳаракат қилишларига, қолаверса, уларга бугун нақадар юксак миссия юкланганлигини ҳис қилишларига боғлиқ. Бошқача айтганда, ҳар бир учрашув ўзига хос гўзаллик танловига айланмоғи лозим. Ана шундагина мутахассислар янглишмайди, мухлислар ранжишмайди.

Машҳур продюссернинг ушбу сўзлари ёдга келади беихтиёр: «Энг муҳими, танлов бўлсин, гўзаллар эса албатта топилади». Ҳа, ишонч билан, умид билан яшашга нима етсин!

Зайниддин РИХСИЕВ.

«Спартак» жамоасини Россияда қанчалик эъзозлашса, Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасига республикамизда шунчалик эҳтиром кўрсатишади.

«ПАХТАКОР»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

ёхуд хайрли анъаналарни тиклаш йўлидаги дастлабки қадамлар

Биз янги асрдаги дастлабки мавсумни жамоа қандай қаршиламоқда, турнирдаги ўзгаришлар ва мавжуд режалар билан қатор саволларга жавоб олдик. Ўн бир кун ичида тўртта ўртоқлик учрашувини ўтказдик. Йиғинларда да тўп сурганман. Бир умр «Пахтакор» таркибида ўйнашни орзу қилган бўлсам-да, тақдир экан, Наманган вилоятидаги футбол жамоаларида ўйнадим. Мана, эзгу орзуларим рўёбга чиқиб, «Пахтакор»га бош мураббий сифатида келдим. Тошкент футболининг мавқеини аввалги даражага кўтариш мақсадида мен билан «Навбаҳор» жамоасида кўп йиллар ҳаммаслак бўлган Мемет Амет ва дарвозабонлар билан ишлаш ҳамда жисмоний тайёргарлик бўйича мутахассис Александр Лукьянов «Пахтакор»га келишди. Менга ишқибозларга яхши таниш бўлган «Пахтакор»нинг собиқ сардори Геннадий Денисов мураббий сифатида, Константин Новиков эса ўйинчиларни танловчи селекционер-мураббий сифатида яқиндан ёрдам беришмоқда.

— Мавсумга тайёргарлик қандай ўтди? — сўраймиз бош мураббийдан.

— Феврал ойида Бирлашган Араб Амирликларида охирги ўқув-машқ йиғинларини ўтказдик. Унда футболчиларнинг жисмоний ҳолатларини яхшилаш ва жамоавий ҳаракатларни такомиллаштириш ва ўйин пайтида янги таклиф этилган футболчиларга баҳо бериш каби йигирма уч нафар футболчи синаб кўрилди.

Қувонарли томони шундаки, бир неча босқичли ўқув-машқ йиғинлари, Қибрай мажмуасидаги икки кур машғулотлар, шаҳримиздаги «Локомотив» ўйингоҳи, жисмоний тарбия институти базасида ўтказилган машғулотлар ўз самарасини бериб, Ўзбекистон футбол федерацияси мутахассислари томонидан қабул қилинган тест топшириқлари талабларини футболчиларимиз яхши бажаришди. Бу жамоа аъзоларининг жисмоний ҳолатлари ҳам талаб даражасида эканлигидан далолат беради.

Машғулотларни кузатар эканмиз, жамоага ўтган йилги чемпион — «Дўстлик» жамоасидан Б.Ашурматов, А.Власичев, М.Курбонов, В.Пономарев, А.Жданов, «Навбаҳор»дан О.Беляков, Б.Сейткамолов, Ш.Раҳмонқулов, А.Солиев, Л.Кошелов, Украинанинг «Украина» жамоасидан К.Сосенко ва Россиянинг «Балтика» жамоасидан С.Майбородалар қабул қилинганлигининг гувоҳи бўлдик. Энг муҳими, янги келган ёш, умидли ва тажрибали ўйинчилар ёрдамида жамоанинг ҳимоя ва ярим ҳимоя чизиқлари анча мустаҳкамланган. Марат Аҳмеров, Олег Беляков, Анвар Солиев, Бахтиёр Ашурматов, Леонид Кошелев, Мухтор Қурбонов каби «Пахтакор»нинг олти нафар ўйинчиси миллий терма жамоамиз таркибидан ўрин олганлиги ҳам имкониятлар юқори эканлигини тасдиқлайди.

— Ўқув-машқ машғулотларини илмий асосда олиб боришга катта аҳамият қаратилмоқда, — суҳбатга қўшилди жамоа бошлиғи Асқар Толибжонов. — Бунинг учун кўплаб замонавий илмий техник анжомлар харид қилинди. Жамоада авлодлар алмашинуви, янги футболчиларнинг таркибга сингиш жараёнлари осон кечмайди, албатта. Асосан, жамоа билан имзоланган шартнома муддатининг тугаши ва янги келган бош мураббийнинг таклифига кўра Мурод Алиев, Нуъмон Нурматов, Афзал Азизов, Руслан Аҳмедхонов, Дилмурод Назаров, Азамат Абдураимов каби бир гуруҳ футболчиларнинг бошқа жамоаларга ўтишига жамоа раҳбарияти томонидан рухсат берилди. Бунга маълум даражада жамоа олдига қўйилган улкан вазифалар ва кучли рақобатнинг юзага келиши ҳам сабаб бўлганлиги, шубҳасиз.

Яна бир янгилик шундан иборатки, «Пахтакор» футбол клуби қошида ишқибозлар клуби фаолият бошлади. У ишқибозларни бирлаштириб, «Пахтакор» жамоасини ўйин пайтида қўллаб-қувватлаш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, сафардаги ўйинларга мухлисларни тартибли равишда олиб боришни ташкил этиш юмушларини амалга оширади. Ишқибозлар клуби раҳбарлигига фидойи футбол ишқибози Баҳром Юнусов сайланди.

Хуллас, жамоа мураббий ва раҳбарлари «Пахтакор»нинг азалий анъаналарига содиқ қолган ҳолда янги асрда чиройли, мазмунли ва ҳужумкор ўйин кўрсатиб ишқибозларни хушнуд этишга аҳд қилганликларини яширмаётирлар.

Майдон текис, тўп думалоқ. Ўйлаймизки, кимнинг ким эканлиги дастлабки турлардаёқ маълум бўлади. Лекин биз «Пахтакор»нинг шашти баландлигини ўзимизча тушундик. Мамлакатнинг бош жамоаси шундай бўлиши керак.

Дилшод ИСРОИЛОВ.



"ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

иккинчи даражали дарсми?"

Газетамизнинг 16 феврал сонида чоп этилган ушбу сарлавҳали танқидий мақола Бўз тумани ёшларининг ҳам эътиборини тортди. Боиси, бу ердаги айрим илм масканларида ҳам муҳим ишга эътибор сусайтириб юборилган экан.

4-мактаб «Гулистон» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Иш куни бўлишига қарамай, спорт хонаси қулфланган. Эътиборимизни ўйингоҳни хас-чўпу тошлардан тозалаётган юқори синф ўқувчилари тортди. Маълум бўлишича, бу ерда жисмоний тарбия дарсини намунали ўтказиш учун шароит яратилмаган. Машғулотлар режа асосида ўтказилса бўлмайдими, деган саволимизга туман спорт қўмитаси раиси Б.Холмуҳамедов, мактаб директори М.Турғунов жўяли жавоб беришолмади.

Ўқувчиларни яна бир нарса ўйлантиряпти. Илм масканида очилган бокс тўгараги пулли экан. Боз устига тўгарак раҳбари мутахассис эмас... Шу боис, айрим иқтидорли ёшлар имконият тополмай, севимли спорт тури билан росмана шуғулланолишмаяпти.

9-мактабда ҳозиргача спорт зали йўқ. Ёшлар кистовидан сўнг, мажлислар залини жисмоний тарбия дарси ўтказиладиган масканга айлантиришибди. Кейинроқ эса хўжалик мутасаддилари махсус майдонча ажратибди. Бироқ, керакли анжомлар ҳанузгача йўқ.

Умуман, мавжуд мактабларнинг 19 тасида муҳим ишга эътибор сусайтириб юборилганлиги маълум бўлди. Жисмоний тарбия ва спортга ихлоси баланд йигит ва қизлар замонавий мажмуаларда машғулотлар ўтказишни сабрсизлик билан кутишмоқда.

Қ.ШОКИРОВ,
З.ШАХОБИДДИНОВ,
«Ишонч» мухбирлари.

МАМЛАКАТ Х МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ТАҚВИМИ

Олий лига. Биринчи давра.

1-тур. 10 март (шанба)
«Пахтакор» - «Сурхон»
«Металлург» - «Насаф»
«Дўстлик» - «Бухоро»
«Кимёгар» - «Қизилқум»
«Зарафшон» - «Нефтчи»
«Турон» - «Андижон»
«Семурғ» - «Навбаҳор»

11 март (якшанба)
«Трактор» - «Самарқанд-Д»
«Академия» - «Сўғдиёна»

2-тур. 13 март (сешанба)
«Пахтакор» - «Насаф»
«Металлург» - «Сурхон»
«Дўстлик» - «Қизилқум»
«Кимёгар» - «Бухоро»
«Зарафшон» - «Андижон»
«Турон» - «Нефтчи»

14 март (чоршанба)
«Трактор» - «Сўғдиёна»
«Академия» - «Самарқанд-Д»

25 март. Ўзбекистон кубоги. 1/8 финал учрашувлари.

3-тур. 31 март (шанба)
«Семурғ» - «Пахтакор»
«Навбаҳор» - «Металлург»
«Сурхон» - «Дўстлик»
«Насаф» - «Кимёгар»
«Бухоро» - «Зарафшон»
«Қизилқум» - «Турон»
«Нефтчи» - «Трактор»
«Андижон» - «Академия»
«Самарқанд-Д» - «Сўғдиёна»

4-тур. 3 апрел (сешанба)
«Семурғ» - «Металлург»
«Навбаҳор» - «Пахтакор»
«Сурхон» - «Кимёгар»
«Насаф» - «Дўстлик»
«Бухоро» - «Турон»
«Қизилқум» - «Зарафшон»
«Нефтчи» - «Академия»
«Андижон» - «Трактор»

5-тур. 11 апрел (чоршанба)
«Дўстлик» - «Семурғ»
«Кимёгар» - «Навбаҳор»
«Зарафшон» - «Сурхон»
«Турон» - «Насаф»
«Самарқанд-Д» - «Нефтчи»
«Сўғдиёна» - «Андижон»
«Трактор» - «Бухоро»
«Академия» - «Қизилқум»

12 апрел (пайшанба)
«Пахтакор» - «Металлург»

6-тур. 14 апрел (шанба)
«Дўстлик» - «Навбаҳор»
«Кимёгар» - «Семурғ»
«Зарафшон» - «Насаф»
«Турон» - «Сурхон»
«Самарқанд-Д» - «Андижон»
«Сўғдиёна» - «Нефтчи»
«Трактор» - «Қизилқум»
«Академия» - «Бухоро»

7-тур. 21 апрел (шанба)
«Семурғ» - «Зарафшон»
«Навбаҳор» - «Турон»
«Пахтакор» - «Дўстлик»
«Металлург» - «Кимёгар»
«Сурхон» - «Трактор»
«Насаф» - «Академия»
«Бухоро» - «Самарқанд-Д»
«Қизилқум» - «Сўғдиёна»
«Нефтчи» - «Андижон»

8-тур. 24 апрел (сешанба)
«Семурғ» - «Турон»
«Навбаҳор» - «Зарафшон»
«Пахтакор» - «Кимёгар»
«Металлург» - «Дўстлик»
«Сурхон» - «Академия»
«Насаф» - «Трактор»
«Бухоро» - «Сўғдиёна»
«Қизилқум» - «Самарқанд-Д»

9-тур. 2 май (чоршанба)
«Трактор» - «Семурғ»
«Академия» - «Навбаҳор»
«Зарафшон» - «Пахтакор»
«Турон» - «Металлург»
«Самарқанд-Д» - «Сурхон»
«Сўғдиёна» - «Насаф»
«Нефтчи» - «Бухоро»
«Андижон» - «Қизилқум»
«Дўстлик» - «Кимёгар»

10-тур. 5 май (шанба)
«Трактор» - «Навбаҳор»
«Академия» - «Семурғ»
«Зарафшон» - «Металлург»
«Турон» - «Пахтакор»
«Самарқанд-Д» - «Насаф»
«Сўғдиёна» - «Сурхон»
«Нефтчи» - «Қизилқум»
«Андижон» - «Бухоро»

11 май. Ўзбекистон кубоги. 1/4 финал учрашувлари.

11-тур. 15 май (сешанба)
«Семурғ» - «Самарқанд-Д»
«Навбаҳор» - «Сўғдиёна»
«Пахтакор» - «Трактор»
«Металлург» - «Академия»
«Дўстлик» - «Зарафшон»
«Кимёгар» - «Турон»
«Сурхон» - «Нефтчи»
«Насаф» - «Андижон»
«Бухоро» - «Қизилқум»
«Зарафшон» - «Турон»

12-тур. 18 май (жума)
«Семурғ» - «Сўғдиёна»
«Навбаҳор» - «Самарқанд-Д»
«Пахтакор» - «Академия»
«Металлург» - «Трактор»
«Дўстлик» - «Турон»
«Кимёгар» - «Зарафшон»
«Сурхон» - «Андижон»
«Насаф» - «Нефтчи»

13-тур. 27 май (якшанба)
«Нефтчи» - «Семурғ»
«Андижон» - «Навбаҳор»
«Самарқанд-Д» - «Пахтакор»
«Сўғдиёна» - «Металлург»
«Трактор» - «Дўстлик»
«Академия» - «Кимёгар»
«Бухоро» - «Сурхон»
«Қизилқум» - «Насаф»
«Зарафшон» - «Турон»

14-тур. 30 май (чоршанба)
«Нефтчи» - «Навбаҳор»
«Андижон» - «Семурғ»
«Самарқанд-Д» - «Металлург»
«Сўғдиёна» - «Пахтакор»
«Трактор» - «Кимёгар»
«Академия» - «Дўстлик»
«Бухоро» - «Насаф»
«Қизилқум» - «Сурхон»

2 июн. Ўзбекистон кубоги. 1/2 финал. Биринчи учрашувлар.

15-тур. 10 июн (якшанба)
«Семурғ» - «Бухоро»
«Навбаҳор» - «Қизилқум»
«Пахтакор» - «Нефтчи»
«Металлург» - «Андижон»
«Дўстлик» - «Самарқанд-Д»
«Кимёгар» - «Сўғдиёна»
«Зарафшон» - «Трактор»
«Турон» - «Академия»
«Сурхон» - «Насаф»

16-тур. 13 июн (чоршанба)
«Семурғ» - «Қизилқум»
«Навбаҳор» - «Бухоро»
«Пахтакор» - «Андижон»
«Металлург» - «Нефтчи»
«Дўстлик» - «Сўғдиёна»
«Кимёгар» - «Самарқанд-Д»
«Зарафшон» - «Академия»
«Турон» - «Трактор»

16 июн. Ўзбекистон кубоги. 1/2 финал. Жавоб учрашувлари.

17-тур. 20 июн (чоршанба)
«Сурхон» - «Семурғ»
«Насаф» - «Навбаҳор»
«Бухоро» - «Пахтакор»
«Қизилқум» - «Металлург»
«Нефтчи» - «Дўстлик»
«Андижон» - «Кимёгар»
«Самарқанд-Д» - «Турон»
«Сўғдиёна» - «Зарафшон»

18-тур. 23 июн (шанба)
«Сурхон» - «Навбаҳор»
«Насаф» - «Семурғ»
«Бухоро» - «Металлург»
«Қизилқум» - «Пахтакор»
«Нефтчи» - «Кимёгар»
«Андижон» - «Дўстлик»
«Самарқанд-Д» - «Зарафшон»
«Сўғдиёна» - «Турон»
«Трактор» - «Академия»

27 июн. Ўзбекистон кубоги. Финал учрашувлари.

ОАЖ «Холис-инвест» инвестиция компанияси
ТУГАТИЛМОҚДА.
Компания мажбуриятлари бўйича 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Бухоро кўчаси: 24.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: **133; 134**
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224.